

Арбаъин / Арбаъин / 11-ҳадис

عَنْ أَبِي مُحَمَّدٍ الْحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ، سَبَطِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَرِيحَانَتِهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، قَالَ: حَفِظْتُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "دَعَّ مَا يَرِيئُكَ إِلَى مَا لَا يَرِيئُكَ".
(رواه الترمذي والنسائي، وقال الترمذي حديث حسن صحيح).

Шубҳали нарсаларни тарк этмоқ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг набиралари ва "райҳонлари" - Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан мана бу сўзларни ёдлаб қолганман: "Сени шубҳага солган нарсани қўйгин-да, шубҳалантирмайдиган нарсани ол". (Термизий ва Насоий ривоятлари. Термизий ҳасан-саҳиҳ ҳадис деб айтганлар).

Ҳадиснинг аҳамияти ҳақида

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча оғиз сўз билан Исломдаги улкан қоидани асослаб бердилар: Шубҳали нарсалардан йироқ юрингиз. Фақат ҳалол-покиза неъматлар билан бўлинг!

Ибн Ҳажар Ҳайтамий мазкур ҳадис шарҳи сўнгида ёзадилар: "Ушбу ҳадис Ислом динининг улуғ қоидаларидан бири саналади. Ҳақ нурни тўсиб қўювчи шубҳа-гумонлар зулм-зулматларини ёриб ташлашда ҳам юқоридаги ҳадис асл-асос ҳисобланади".

Ҳадисдан олинadиган сабоқлар

1. Шубҳали нарсаларни тарк этмоқ лозим

Ибодат, муомала ва умуман барча ўринларда шубҳали нарсалардан йироқ туриб, фақат ҳалол-покиза тарзда иш юритмоқ мусулмон кишини тақводор зотлар сафига қўшади. Шайтон васвасаларини даф этишда жуда фойдали бўлган мазкур хусусият инсон учун дунё ва Охиратда кўп хайрли оқибатларни юзага келтиради, иншааллоҳ!

Зеро, шубҳали нарсалардан йироқ юрган киши дини ва шаънини покиза сақлаб қолади. Аниқ ва ҳалол нарса банданинг қалбида заррача шубҳа туғдирмайди. Ҳалол билан ҳаёт кечириш кўнгилга ором бағишлайди. Унга

эришган диллар ажиб саодатни туяди. Шубҳали нарсалардан инсон зоҳиран рози бўлса-да, унинг қалби ғашлик ва гумонлардан изтиробга тушади. Аслида маънавий йўқотиш сифатида унга мана шу аламли оғриқ ҳам етарли жазо бўлади. Бироқ энг катта йўқотиш ва бахтсизлик кейинроқ - инсон шубҳали нарсаларга кўникиб, аста-секин ҳаромга қўл ура бошлагач, бор бўйи билан кўринади. Чунки тақиқланган жой атрофида ўралашган кимса бир куни у ерга кириб қолиши ҳеч гап эмас.

2. Шубҳали нарсаларни тарк этиб, фақат ҳалол-покиза амалларга берилиш хусусида салафларнинг сўзлари ва ишларидан

Абу Зарр Ғифорий разияллоҳу анҳу: “Ҳаром бўлиб қолишидан кўрқиб, айрим ҳалол нарсаларни тарк этиш камоли тақводир”, деб айтганлар.

Абу Абдурраҳмон Амрий: “Тақводор банда шубҳали нарсаларни шубҳа туғдирмайдиган ҳалол-покиза нарсаларга алмаштиради” деб айтганлар.

Фузайл: “Одамлар тақвони оғир нарса деб ўйлашади. Мен икки йўл турган бўлса, ҳамиша қийинроғини танладим. Сени шубҳага солган нарсаларни кўйиб, шубҳага солмайдиган аниқ-ҳалол нарсаларни тут” деб айтганлар.

Ҳассон ибн Абу Синон: “Тақводорликдан осон нарса йўқ; қачон сени бирор нарса шубҳалантирса, уни тарк этгин” деб айтганлар.

Язид ибн Зариъ ўзига теккан беш юз минг (тилла) меросни тарк этди. Унинг отаси султонлар хизматини қиларди. Улкан меросни тарк этган Язид бир умр сават тўқиб, шунинг орқасидан кун кечирди.

Мисвар ибн Махрама тижорат учун жуда кўп дон сотиб олди. Куз пайтида кўкка булут чиққанини кўриб, кайфияти бузилди. Сўнг ўзининг бу қилиғидан норози бўлиб деди: “Во ажаб! Ҳали мен мусулмонларга фойдали бўлган ёмғирни ёмон кўрдимми?!” Шундан кейин ўша сотиб олган молидан мутлақо фойда қилмасликка қасам ичди. Унинг қароридан хабар топган Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу шундай дедилар: “Аллоҳ сени хайрли мукофотлар билан тақдирласин!”

Иброҳим ибн Адҳамдан сўрадилар:

- Нега Замзам сувидан ичмаяпсиз?

- Челагим бўлганда ичардим! - деб жавоб бердилар Ибн Адҳам. Замзам ёнига қўйилган челақ султоннинг молидан эди. Ибн Адҳам унинг шубҳали эканига ишора қилдилар.

Юқорида айтилган мисоллар кимгадир ҳаддан зиёд муболаға бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ бир ҳақиқат ҳеч вақт хотиримиздан кўтарилмасин: уммат нопок-ҳаром ишлардан ўзини покиза сақламоғи ва ҳалол ҳаёт кечирмоғи учун ҳамиша ёрқин ҳаётий намуналарга эҳтиёж сезади. Агар ана шундай солиҳ мисоллар ва таъсирли сўзлар изсиз йўқолса, уммат аста-секин шубҳали ҳамда ҳаром нарсаларга кўникиб кетади. Зеро, меҳрибон, доно насихатгўйдан айрилган Ислому уммати ҳаёт сўқмоқларида жонли мисолларга доимо муҳтож.

3. Аниқ билан шак-шубҳа қарама-қарши келиб қолса, қай бири олинади?

Мазкур вазиятда аниқ ҳолат олиниб, шубҳа-гумондан юз ўгирилади. “Шаръий аҳкомлар мажалласи” тасдиқлаган фикҳий қоидаларнинг

иккинчиси айнан мана шу мавзу хусусида: "Аниқ ишонч гумон туфайли бекор бўлмайди". Қоидани яхшироқ тушуниб олишимиз учун мисол келтирамиз: Бир киши таҳорат олди. Сўнг "Таҳоратимни буздим, шекилли", деб, шубҳаланиб қолди. Яъни у таҳорат олганини аниқ билади-ю, лекин бузган-бузмаганини эслай олмаяпти. Бундай ҳолатда аниқ нарса эътиборли саналиб, ҳалиги киши таҳоратли дейилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

"Агар бирортангиз ичида бир нарсани сезса ва чиқарган-чиқармаганини билмай қолса, то ел чиқарганини эшитмагунича ёки ҳидини сезмагунича масжиддан чиқиб кетмасин". (Муслим ривоятлари).

4. Шариат аҳкомларига тўлиқ бўйсунган киши шубҳали нарсалардан ўзини сақласин

Биз Аллоҳ таолодан чин маънода қўрқадиган, Исломга тўлиқ амал қиладиган тақводор мўминларни шубҳалардан йироқ юришга даъват этаяпмиз. Бироқ ҳаром-ҳаришга ботиб юрадиган кимсанинг дақиқ шубҳалар қаршисида тақводор бўлиб қолиши «совуқ тақво» дейилади. Биз уни бундай тақводан қайтарамиз. Чунки у аввал ўзини очиқ ҳаром ишлардан тийсин. Ундан биринчи навбатда мана шу талаб қилинади.

Ироқ аҳлидан бир киши Ибн Умар разияллоҳу анҳудан чивин қони ҳақида сўради. Ибн Умар дедилар: "Ҳусайнни ўлдирган кимсалар мендан чивин қони ҳақида сўрайдилар-а?! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳасан ва Ҳусайн хусусида: "Улар менинг дунёдаги гул-райҳонларимдир!" деганларини эшитганман".

Бишр ибн Ҳорисдан сўрашди:

- Она ўғлидан хотинини талоқ қилишини сўраяпти. Ўғил онасининг талабига жавоб берадими?

Бишр жавоб бердилар:

- Агар ўғил барча нарсада онасига яхши муомалада бўлиб, бўйсуниб келган ва фақат хотинини талоқ қилиш масаласи қолган бўлса, волидасининг амрига юрсин. Бироқ онага бўйсуниб хотинини талоқ қилгач, онасини савалайдиган бўлса, талоқ қилмасин.

Бир киши Имом Аҳмад ибн Ҳанбалдан:

- Сиёҳдонингиздан ёзиб турай, - деб изн сўради.

- Ёзавер, - дедилар имом Аҳмад, - Бу зулматли совуқ тақво.

Сўнг бошқа бировга дедилар:

- Менинг тақвоим ҳам, сизнинг тақвоингиз ҳам бу даражага етмаган.

Аҳмад ибн Ҳанбал ўзларини паст олиб, тавозе билан шундай дедилар. У кишининг ўзлари биродарларининг сиёҳдонидан ёзмасдилар. Аслида Аҳмад ибн Ҳанбал шундай тақво қилишга ҳақли эдилар. Бироқ, дини Исломи комил бўлмаган, тақво мақомида юксалмаган кишиларни бундан қайтарардилар.

5. Ростгўйлик хотиржамликдир, ёлғончилик эса саросимадир

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юқоридаги мазмунда ворид бўлган ҳадислари Термизий ривоятида келтирилган. Киши бирор нарсанинг жавобини билишни истаса, фақат рост ва аниқ-тиниқ сўзни изласин. Ростгўйлик омонати шуки, қалб ундан хотиржамлик туяди. Ёлғон эшитганда

эса қалб хижил бўлиб, шубҳа-гумонга тўлади.

6. Мўминлар ҳаётларини фақат аниқ ишончли асослар устига қурмоқлари лозим

7. Ҳалоллик, ростгўйлик ва ҳақиқат ҳамisha хотиржамлик-розилик олиб келади. Ҳаром-ҳариш, ботил ва ёлғон фақат шубҳа, гумон ҳамда изтироб олиб келади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI